O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил. 26 октябр | 39(212)- сон

## ЗИЁЛИ ҒОЯ — СИЁСИЙ КУЧ

### *Миллий тикланиш партияси II қурултойида мунозара учун сўз*

Азиз ватандошлар! партиядошлар! Анжуманимизнинг қатнашчилари!

Одатда одам бевосита ўзи қатнашчиси, шоҳиди бўлиб турган воқеа-ҳодисанинг қадрига етиши учун орадан йиллар, ўн йиллар ўтиши керак бўлади. Тарихимизни, жумладан, жадидчилик ҳаракатларини тадқиқ этаётган олимларимиз 20—30-йиллардаги худди мана шундай қурултойларда, анжуману йиғилишларда айтилган гап-сўзларни архивлардан, кутубхоналардан, газета хабарларидан мисқоллаб йиғмоқдалар.

Демак, биз аввало воқеа-ҳодисаларнинг тарихий аҳамиятини тўғри англаб олсаккина унинг қадр-қимматини тўлароқ ҳис қиламиз.

Шу маънода бугунги анжуманимизни таърифлаш қийин. Сайловолди тадбири эканидан қатъий назар, халқимиз зиёлилари бир жойга жамланиб ўз ҳаётий дастурларини сиёсий куч сифатида намоён этмоқдалар. Мен бугунги йиғилишнинг моҳиятини қуйидагича ифодалашни истар эдим: ҳаётдаги ҳар қандай ички ва ташқи муаммоларни фақат зиёли ёндашиш билан бартараф этиш лозим;

ижтимоий-иқтисодий адолатга фақат зиёли ёндашувлар билан эришиш мумкин;

келажакни ва умуман инсониятни фақат зиёли ғоялар-зиёли мақсадларгина ҳалокатдан асраши мумкин!

Кези келганда айтиш лозим бўлса, сайловолди дастурида партиямизнинг ташқи сиёсат борасидаги, яқин 10—20 йил олдиндаги ташқи муносабатлар борасидаги нуқтаи назари акс этмагандек туюлди.

Ҳар қандай партия реал воқеликнинг маҳсули сифатида вужудга келади. Мустақиллик шарофати билан Миллий уйғониш имкониятлари туғилган бир пайтда Миллий тикланиш партиясининг вужудга келиши ҳар жиҳатдан мантиқлидир. Ҳар қандай партия ўз фаолиятини белгилаб олишида мамлакатда кечаётган жараёнларни, минтақада, бутун дунёда юз бераётган ҳолатларни ҳисобга олиши табиий.

Бизнинг партия мамлакатда айни эркин бозор муносабатлари бошланаётган кезларда дунёга келди. Эркин бозорнинг прогрессив хусусиятларини ҳар қанча улуғламайлик, уларни рақобат деб таърифламайлик, шу нарса муқаррарки, эркин бозор фалсафаси шафқатсизликка, айтиш мумкин бўлса, аёвсиз шафқатсизликка асосланган.

Президент маънавият ва маърифатни ана шу шафқатсизликдан асровчи қудратли куч сифатида тўхтамай тарғиб қилмоқда. Кимларнингдир кўзёшлари эвазига тараққий этган бундай бозорнинг кераги йўқ бизга, демоқда.

Миллий тикланиш партияси-чи? Унинг аъзолари-чи?

Биз зиёлини, зиёли фикрни муҳофаза қилишни, халқнинг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган вакиллари тафаккурида йиғилган интеллектни қадрлаш, муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлашни асосий бурчимиз деб ҳисобламоғимиз керак.

Биз ҳамма нарсага юксак маданий муносабатда бўлишни тарғиб этар эканмиз, халқимиз табиатидаги зиёлиликни ижтимоий қадрият даражасига кўтаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйсак тўғри бўлади деб ўйлаймиз.

Дастурда ёзилганидек, ривожланишнинг «ўзбек модели» яратилаётган экан, биз зиёлилик мазкур моделининг таркибий қисмига айланмоғи ҳақида қайғурмоғимиз лозим. Қабул қиланаётган қонунлар зиё нури билан суғорилган бўлишига эришиш, ҳар бир қонуннинг ҳар бир банди ортида миллионлаб ватандошларимизнинг тақдири, қисмати ҳал бўлишишини унутмаслигимиз керак.

Сайловолди дастурида, «Ўз уйи, қулай ва тоза атроф-муҳитга эга бўлиши, унинг соғлиги ва саломатлигини муҳофаза қилиниши» деган жумлалар бор. Булар жўн гаплар эмас. Партия шуларни муҳофаза этмоғи керак. Айни вақтда, тоза ва қулай яшаш шароитини барпо этиш, соғлик ва саломатликни асраш маданиятини ҳар бир фуқаронинг ички маънавий эҳтиёжига айлантиришга эришиш йўлларини изламоғимиз керак. Токи, ҳар бир инсон, ҳар бир оила яшаш, кийиниш, овқатланиш, меҳнат қилиш ва дам олиш ички маданиятини тўхтовсиз ошириб борсин. Одамлардаги, оилалардаги мазкур ички маданият халқнинг ва мамлакатнинг қудратли кучига, бош фазилатига айлансин.

Партиямизнинг асосий мақсадларидан бири ҳам шу бўлмоғи керак.

Шу ўринда бир нарсага диққатингизни жалб этмоқчи эдим. Бизда энг қадрсиз нарса нима?

Ғоя, таклиф-мулоҳаза, фикр!

Қайси соҳага бош суқманг, энг оддий кишиларда ҳам қандайдир мулоҳаза бор! Фикр бор!

Фикр, ғоя — бамисоли илоҳий мўъжиза!

Бизда ана шу мўъжиза сочилиб ётибди!

Ваҳоланки, Президент фикр хилма-хиллигини муттасил рағбатлантираяпти.

Партиямизнинг асосий йўналишларидан бири халқимиз орасида сочилиб ётган энг фойдали ғоя ва фикрларни, таклиф-мулоҳазаларни жамлай олса, уларни сиёсий кучга айлантирса, ва шу йўл билан уларни муҳофазага олса ҳаётга тадбиқ этиш механизмини яратса... Миллий тикланиш партиясининг ҳар қандай партиялардан устунлигини, ўзгачалигини таъминлаган бўлур эдик. Зеро, халқ онгидаги мавжуд дунёқарашларни сиёсий кучга айлантира олган ҳаракатгина сиёсий партия даражасига кўтарилади. Шу маънода бизнинг партия имкониятлари чексиз.

Партиядош ва ҳамкасб дўстим билан кўп баҳслашамиз. Халқнинг неча фоизи зиёли бўлиши керак? Ҳаммани ёппасига зиёлилаштириш мумкинми? Бу — утопия, хаёлпарастлик эмасми?

Бир сўз билан айтишга уринсам, халқнинг ғоялари, фикрлари сиёсий кучга айланган тақдирдагина у умумиллий интеллектга айланган ҳисобланади. Умуммиллий интеллектга айланмаган фикр ҳам, ғоя ҳам — у нечоғли ноёб бўлмасин — уволлигича қолаверади.

Партиямиз мана шу умуммиллий интеллект даражасини, савиясини кўтариш, улуғлаш орқали ўз фаолият майдонини кенгайтириши, топиши зарур.

Партиямизнинг Тошкент шаҳар кенгаши пленумида кенгаш раиси Иброҳим ака Абдуғаниев жуда тўғри сўзларни айтдилар. Яъни, «Биз бировларни камситиш, кемтиш ҳисобига, бировларни йиқитиш ҳисобига тикка турмоқчи эмасмиз». Худди шундай — биз камситилганларнинг кўнглини кўтариш, йиқилганларни оёққа қўйиш ҳисобига қаддимизни ростлаймиз. Майли, кимдир ватанпарвар, кимдир адолатпарвар, кимдир фидокор бўлсин, лекин биз уларнинг фаолияти замирида зиёлилик, маданият ётишини истаймиз. Шуни тўғри деб биламиз.

Партиямиз Раиси, устозимиз Иброҳим Ғафуров «Биз бу дастур билан халқ қалбидаги баъзан ўзи сезган, баъзан сезмаган эзгу бир кучни тикламоққа ният қилдик» дедилар.

Бу куч нима?

Зиё кучи, зиёлилик қудрати!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД**

## ҚАДРИЯТЛАРНИ АСРАБ

Мамлакатимиздаги сиёсий фанлар мухлислари ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири Муқимжон Қирғизбоевнинг фуқаролик жамиятидаги демократик қадриятларга доир монографиясининг илмий хулосаларини ижобий баҳолаган эдилар. Бу асарга хорижий матбуот ҳам ўз муносабатини билдирди. Германиянинг Сент-Аугустин шаҳрида нашр этилган **«KAS/AUSLANDS — INFORMATIONEN»** (Конрад Аденауэр жамғармаси (Хориждан информациялар) номли сиёсий журнали 09/99 — сонида мазкур монографияни ижобий нуқтаи назардан баҳолаб, уни кенг тарғиб этишга жазм этган. Қуйида биз унинг таржимасини келтирамиз:

**Муқимжон Қирғизбоев. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, сиёсий мафкуралар, сиёсий маданиятлар. — Тошкент, 1998.**

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий мустақиллигини эълон қилди. Мамлакат 1865—1917 йилларда Россия империясининг мустамлакаси, 1917—1991 йилларда эса СССР, яъни тоталитар коммунистик тузум остида яшаб келганлигининг таъсири кучли бўлди. Эски тоталитар тузум ва унинг коммунистик мафкурасида ўзбек халқига мутелик, боқимандалик, ижтимоий пассивлик каби иллатлар мерос бўлиб қолган эди. Бу ноҳуш тамойиллар халқнинг дунёқараши ва менталитетида кучли асоратлар қолдирган эди. Шунинг учун мустақиллик эълон қилинганидан кейинги даврларда ҳам фуқароларнинг ўзлигини англаши, эркинликка бўлган муносабати, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки, давлатнинг маҳаллий органлари вакилларининг фуқаролар билан бўлган муносабатлари каби жамиятнинг ички ҳаётида яшашнинг эски усуллари ўзининг яшовчанлигини сақлаб келди.

Шунинг учун ҳам фуқаролар сиёсий фаоллиги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини англаш ва бу ҳуқуқлар учун манфаатлар гуруҳлари ва сиёсий партияларда иштирок этишга доир қарашларини шакллантириш мақсадларида илғор ва демократик мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, уларни мамлакат сиёсий ҳаётига тадбиқ этиш зарурияти туғилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсадларини эълон қилди. Давлат, ҳукумат ва жамоат бирлашмалари томонидан амалга оширилаётган чуқур ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам республикадаги давлатчилик ва жамият ривожланиши, миллий маънавий қадриятларни асраган ҳолда, илғор ва етакчи хорижий мамлакатлар қаторидан ўрин эгаллашга қаратилган.



Ўзбекистондаги фуқароларнинг хорижий мамлакатлардаги демократик жараёнлар билан танишиш имкониятларини чекланганлигини эътиборга олиб, мазкур монографияда Ғарбий Европадаги фуқаролик жамияти тўғрисида умумий тушунчалар, унинг асосий белгиларидан бири бўлган кўппартиявийлик тизимининг АҚШ, Ғарбий Европа, Япония каби хорижий мамлакатлардаги шаклланиш жараёнлари, партиявий тизимлар, уларнинг типологиялари ва уларга доир бошқа назарий билимлар, сиёсий мафкуралар, сиёсий маданиятлар тўғрисида, замонавий сиёсий фанлар таҳлиллари ва талқинлари баён қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида фуқаролик жамияти ва кўппартиявийлик тизимини барпо этиш йўлидаги дастлабки ислоҳотлар илмий таҳлил қилинади. Бунда асосий мақсад фуқаролар сиёсий онгини юксалтириб, уларни сиёсий муносабатларда фаол қатнашишига ёрдам беришга қаратилди.

Монографияда Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги қийинчиликлар, муаммолар, муҳолифатнинг шаклланиш масалалари, Ғарбий Европа ва бошқа илғор мамлакатлардаги сиёсий мафкуралар ва уларнинг Ўзбекистондаги қарашлар билан алоқадорлиги ҳам таҳлил этилди.

Монография етакчи хорижий мамлакатларда фуқаролик жамиятини қарор топтириш, кўппартиявийлик тизимини шакллантириш, демократик меъёрлардаги сиёсий маданиятни юксалтириш тажрибаларини ўрганишга қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Ушбу асар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси сиёсий фанлар кафедрасида амалга оширилган илмий изланишлар асосида яратилди. Шунингдек, монографиядаги изланишлар, таҳлиллар ва хулосалар мазкур Академия тингловчиларининг назарий қарашларини юксалтиришга қаратилган.

## ДЕМОКРАТИЯ ВА ЖАМИЯТ

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа — умумхалқ сайловларига тайёргарлик ишлари кенг кўламда бўлиб ўтмоқда. Бу жараён кундан-кунга ҳар бир хонадонга шаҳдам қадамлар билан кириб бораётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги юз бераётган демократик ўзгаришларнинг ажралмас қисми сифатида баҳоланиши лозим. Биз фикр юритаётган мавзунинг моҳиятини янада чуқурроқ англаш учун масаланинг назарий жиҳатига эътиборни қаратишни истардик.

Тарих зирвасига назар ташлар эканмиз, демократияга интилиш ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб келганининг гувоҳи бўламиз. Бинобарин, «демократия» тушунчаси юнонча «демос» — халқ ва «кратос» — куч, ҳокимият сўзларидан келиб чиққан бўлиб, давлатнинг халқ томонидан, унинг иродаси билан бошқарилиши маъноларини англатади. Демократия — бу жамиятнинг барча қатламлари манфаатларини ифода этиш, иродасини амалга ошириш воситаси, ҳукмронлик қилиш ва бошқариш усулидир. У давлат ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўз аксини топади. Фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги, уларнинг ижодий, яратувчанлик ва, айниқса, сиёсий фаолияти демократия тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Айни мана шу ҳолатни биз бугунги кунда бутун мамлакатимиз бўйлаб кузатишимиз мумкин.

Ҳаётда бир қонуният мавжуд — жамиятда юз бераётган ҳар қандай сиёсий ёки ижтимоий жараёнлар зиёлиларнинг бевосита иштирокида амалга ошади. Бунинг мантиқий изоҳи мавжуд, албатта. Зиёли, у хоҳ илм одами бўлсин, хоҳ санъат намояндаси бўлсин, бундан қатъий назар, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини идрок этишга, ўтмиш воқеаларини бугунги жараёнлар билан муқояса қилган ҳолда миллат истиқболи ҳақида хулоса чиқаришга лаёқатли одамдир. У атрофдагилардан ўз мушоҳада кучи билан ажралиб туради. Жамият ривожланишининг энг оптимал йўллари, устувор йўналишлар ва долзарб муаммолар эл дарди билан яшайдиган зиёлининг диққат марказида бўлади. Мазкур фикрлар ғоя даражасига кўтарилиб, ёзувчи, мусаввир, олим, архитектор ёки санъаткорнинг ижодий фаолияти натижасида бадиий тимсол тарзида дунёга келади ва оддий инсонлар қалбига кириб боради. Бироздан сўнг бу ғоя кўплаб одамларнинг маънавий мулкига айланади. Уларнинг борлиқ ва ижтимоий воқелик ҳақидаги тасаввурларини янгилайди.

Жамиятимизда покланиш жараёни давом этмоқда. Бу, албатта, тарихдаги маълум бир қадриятларга суянган ҳолда амалга ошадиган жараёндир. Масалан, XX аср бошларида яшаб, ўз фаолиятида миллий озодлик ғоясини байроқ қилиб баланд кўтарган жадид зиёлилари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг сиймосини абадийлаштириш бўйича бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтнинг энг йирик туманларидан бири бўлган Юнусобод тумани марказида «Шаҳидлар хиёбони»нинг бунёд этилиши ҳам ана шу эътиборли тадбирлардан биридир. Ўрни келганида шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, биз жадид зиёлилари ҳақида фикр юритганимизда биринчи галда Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Сўфизода ва бошқа бир қатор шоир ва ёзувчилар сиймоси кўз олдимизда гавдаланади.

**Давоми иккинчи бетда**

## ДАСТУР ВА ҲАРАКАТ

Маълумки, кучли жамият авваламбор ислоҳотларга қанот бўлгулик кучли жамоатчилик ташкилотлари, партиялар ва ҳаракатларнинг фаоллигини тақозо этади. Негаки, бугун қарор топаётган демократик мезонлар нуқтаи назарига кўра, уларга энг катта ва масъулиятли вазифалар юкланади. Шуни назарда тутган юртбошимиз «Жамиятни демократиялаш жараёни сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқлигини таъкидлаб шундай дейди:

«Бу гап аввало партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидан муносиб ўрин ололмаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Айтиш керакки, бу танқид ўринлидир.

Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ҳокимият тизимларидан, аввало ҳокимиятнинг сайлаб олинаётган органларидан ўрин олиш учун курашар эканлар, аниқ мақсадлари, ҳаракат дастурлари бўлиши керак. Токи бу дастурларнинг амалга оширилиши мамлакатдаги ижобий ўзгаришларга баракали таъсир этсин.

Бунинг учун аввало партия етакчилари ҳам, уларнинг тарафдорлари ҳам, нима учун ва нимага қарши курашаётганларини аниқ-равшан тасаввур этишлари зарур».

Дарҳақиқат, сиёсий партияларнинг ижодкорлик, ислоҳотчилик борасидаги сусткашлиги халқ ва жамият ичига чуқурроқ кириб боришига, ўз мавқеи ва ўрнини мустаҳкамлашга тўсқинлик қилмоқда. Жамоатчилик эътибори ва хайрихоҳлигини қозонишга халақит бермоқда. Бу камчиликларни бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратмоқ керак?

**Биринчидан**, Президентимиз таъкидлаганидек, аввало мақсад ва дастурларни янада ойдинлаштириб олиш зарур. Ушбу дастурларни мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда амалга оширишнинг энг мақбул ва самарали воситаларини, усулларини ишлаб чиқишга диққатни қаратиш.

**Иккинчидан**, том маънодаги сиёсий етакчиларни тарбиялаб етказиш. Нафақат марказда, балки вилоят, туман, шаҳар миқёсларида ҳам сиёсий савияси юқори, ижтимоий фаол, фидойи, ҳақиқий ватанпарвар кадрларни тарбиялаш.

**Учинчидан**, жамоатчилик, партия аъзолари билан бевосита ишлайдиган қуйи бўғинлар — бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш. Улар номи бору ўзи йўқ ташкилотларга айланиб қолмасинлар.

**Тўртинчидан**, тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйиш. Бу борада шуни унутмаслик керакки, қуруқ сафсатабозлик, одамлар эҳтиросига таъсир қилиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Зотан, мустақиллик тарбиясини олган бугунги фуқаро олдинги шўро фуқаросидан тамомила фарқ қилади. Истиқлол бошларида худди шундай йўл билан осон обрў топишга, шоирлик эҳтироси билан одамларни жунбушга келтиришга ҳаракат қилган, бўлмағур бақир-чақирлари меъдага тегадиган, кишининг раъйини қайтарадиган даражага етган «Эрк» партиясининг аввало одамлар назаридан қолиб, сўнгра бутунлай сиёсат майдонидан тушиб кетганлигини эслашнинг ўзи кифоя.

Юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида, партиямиз фаоллари ҳам ўз фаолиятларини, мақсад ва вазифаларини танқидий кўз билан қараб чиқдилар ва сайловолди платформасида акс эттирдилар. Бу сайловолди ҳаракат дастурининг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

**Давоми иккинчи бетда**

УЗРО

## ЮРТ ТИЛИМ — ЮРАК ТИЛИМ

**Миллат тилим,**
**жон тилим,**
**Ёғийга қирон тилим.**
**Гоҳ эгасин оғзида**
**Айланолмай қон тилим.**

**Хаёл сурсам хаёлим,**
**Ғанимларга малолим.**
**Кўнглимнинг хазинаси —**
**Бу дунёда ҳалолим.**

**Меҳримнинг изҳорисан,**
**Борлиғимнинг борисан.**
**Бошимга кўтарганим,**
**Сен Эркнинг**
**дўст-ёрисан!**

**Юрт бахтига битилган,**
**Нурсан, тақдир этилган.**
**Ҳар мурғак болакайдан**
**Энг биринчи кутилган.**

**Юрак ёзсам — жаҳоним,**
**Эй, илоҳий қалқоним.**
**Кўнгилдан кўнгилларга**
**Бир мўъжизаафшоним.**

**Энг яқин ёнимдасан,**
**Ўт бўлиб қонимдасан.**
**Дилдан ўтар дарёим,**
**Сўзлатиб жонимдасан.**

**Юрт тилим —**
**юрак тилим,**
**Миллатга тирак тилим.**
**Сени суйган қалбларга**
**Ватандек керак тилим!**

**Руҳимга қулоч илган,**
**Қуёшосо очилган.**
**Тангрининг пойигача**
**Узро сенга сочилган.**

**Миллат тилим,**
**шон тилим,**
**Мен сенингман,**
**жон тилим!**

XXI АСРГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

●ҚАДРИНГИЗ ТИКЛАНИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?

●УМУМАН ҲАЁТДА ТИКЛАНИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ЖАВОБ ТОПАСИЗ!



**Шунча китоблар ёнига «Миллий тикланиш» ҳам қўшилди. Илм уммон бўлса, «Миллий тикланиш»да чоп этиладиган мақолалар унга қуйилгувчи ирмоқлардир.**

*Қадим шарқ манбалари*

# ЎТАМИШ ҲОЖИ ТАРИХИ

**Боши ўтган сонларда**

*ДОСТОНИ МУНГ ТЕМУРХОН*

Мунг Темурхон бисёр одил ва зобит, оқил подшоҳ эрди. Мунг Темур замонинда эл-кун бисёр рафоҳиятда бўлдилар. Анинг ғоят яхшилиқиндин Кулукхон от бердилар. Андоғ Мунг Темур Кулукхон машҳур турур. Айтурлар, ўн уч йил хонлиқ қилди, андин сўнг вафот топди. Андин икки ўғул қолди: бирининг оти Тўқтаға, бирининг оти Тўғрул. Отаси ўлгандин сўнг Тўқтаға хон бўлди.

*ДОСТОНИ ТЎҚТАҒАХОН*

Бу Тўқтағахон бисёр улуғ подшоҳ эрди. Сойинхон ўғлонларидин мунунг муқобиласинда подшоҳ оз бўлди. Айтурлар, ул тариқа муаззам шулони (зиёфати) бор эрди, отдин, сигирдин, қўйдин ўзга жониворлардин бошқа ҳар кунда тўқсон қобон шулонинда пишар эрди. Мунунг бир ўғли бор эрди, Элбосар отлиғ. «Мен ўлгандин сўнг анга хонлиқ талашур», — деб ўз қариндошларин тақи ўз наслин барчасин қирди. Ҳаттоки, иниси Тўғрулни ўлтурди, терлар. Аммо баъзилар айтурлар, Тўғрул ўзи хасталикдин ўлди. Келин Баёлин отлиғ Тўғрулнинг заифаси бор эрди, кўрклук эрди. Тўғрул ўлган маҳалда бир фарзанди бўлди. Кўрдики, Тўқтағахон ўғли жиҳатдин қариндошларин қира турур. Бир неча киши бирла қочириб Черкас тоғига юбордилар. Ўзбекхони машҳур алайҳир раҳма ул ўғлон турур. Оз фурсатдин сўнг Келин Баёлинни хон олди. Ани бисёр севар эрди. Бу қазия (воқеа)лардин неча йиллар кечди. Айтурлар, хоннинг умри тўқсон ёшар эрди. Ўн ёшида хон бўлуб эрди, саксон йил хонлиқ қилди. Баъзилар айтурлар, йигирма ёшида хон бўлди, етмиш йил хонлиқ қилди. Чун охир умринга яқин келди, алқисса, ўзумдин сўнг хон бўлсун, теб сақлағон ўғли ўзундин бурун ўлди. Басе маълум турурким, бирдин бир ўғли бўлғай. Мендин сўнг анга хонлиқ талашур, деб ўз уруғин тамом қирғон бўлғай. Яна ўзи ҳам пирлик (қарилиқ) бирла охир умринга етмиш бўлғай. Бу ўғул тақи ўзидин бурун ўлгай. Анинг не турлик мусибати ва надомати бўлғай. Оқибат, бу ғуссадин хаста бўлуб, хасталиқи узоққа чекди. Бир кун тўшакда ётиб, ул ён, бу ён оғанаб «оҳ» урар эрди. Келин Баёлин билдики, не жиҳатдин бетоқат бўла турур. Айтди: «Сиз доим хаста бўлур эрдингиз. Бу йўл нечук бетоқат бўла турурсиз?» Хон айди: «Нечук бетоқат бўлмайин. Ёлғиз ўғлум Элбосарга хонлиқ талашур, теб ўз уруғимни тамом қирдим. Ўғлумнинг ҳам иши ул тариқа бўлди. Ўзумга ҳам ўлум яқин келди. Юртим ёт кишига тушар. Бетоқатлигим ул жиҳатдин турур», — теди эрса, Келин Баёлин айди: «Сизнинг ёрлиғингиздин тош (ташқари) мен бир иш қилиб турурмен. Агар гуноҳимни бағишласангиз, айтайин. Хон филҳол кўпуб ўлтуруб сўрдиким: «Не иш қилиб эрдинг?» Айди: «Ул маҳалдаки инингиз ўлди, инингиздин бир ўғул бўлуб эрди. Сизни ўлтургай теб қочириб Черкас вилоятинга юбориб эрдим. Ҳоло ҳар йилда анинг саломатлик хабари кела турур. Бу йил ўн тўрт ёшинда турур. Агар ёрлиқ қилиб киши юборсангиз, ул келур эди», — теди эрса, хон хўш ҳолатдин андоғ бўлди, гўёки хаста бўлмоғонтек бўлди. Икки минг туман эл Келин Баёлинга севинчи элди. Тонгласи бекларни чорлаб Қиёт Исатой ва Сижут Олатойга қирқ минг киши қўшиб Ўзбекхонни келтурмакка юборди. Булар бориб келгунча, Тўқтағахон вафот бўлди. Божир Тўқбуғо теган уйғур ўмоқли бўлур эрди. Қавму қабиласи кўп кучлук эл эрди. Ва тақи хоннинг отолиқи эрди. Шайтон васваса бериб — қаро киши экан (оддий одам бўлса-да), ул хон бўлди. Келин Баёлинни, тақи хоннинг ўзга заифаларини ҳам олди. Баъзилар айтурлар, Божир уйғур эрди, Тўқбуғо нутин эрди. Бу сўз ғалат ўхшар, анинг учунким, икки қавмдин икки иттифоқ бирла бир ерда хон бўлмоқи мушкул турур. Дурустроқи ул турурким, оти Божир эрди, лақаби Тўқбуғо эрди.

Алқисса, бу Божир Тўқбуғо хон бўлур, хоннинг заифаларин олиб эл-куннинг тамомин ўзига мусаххар қилиб эрди. Бу аснода ул боргон беклар ҳазрати Ўзбекхонни олиб (мамлакат) қироғига келдилар, Хабар топдиларки, хон ўлди, тақи Божир Тўқбуғо хон бўлди, барча эл-кунни ўзига мусаххар қилди, теб. Бу хабардин бисёр паришон ва ғамнок бўлиб кенгаш қилдиларким, не иш қилсак бўлур? Қиёт Исатой айди: «Бурунда қавми-қабиласи кўп кучлук киши эрди. Ҳолохуд тамом халойиқ анга юз келтуруб турур. Ҳоло бу ердин туруб душманлиқ зоҳир қилсак, ишимиз рост келмагай. Бир ҳийла бирла ўзумизни анга еткура кўрали. Андин сўнг ҳар иш хотиримизга келса қилурбиз», — теди эрса, барчалари бу сўзни маъқул кўриб элчи юбордилар, айдилар: «Иёмиз (эгамиз) хон юмушига юбориб эрди. Ул кишини олиб кела турурмиз. Бу киши ҳам ота-онадин иёларингиз ўғли эрди. Керак эрди, андоғ қилмасангиз. Эмди ўзингизга ўхшатиб хон бўлуб турурсиз. Барча халойиқ сизга муте ва фармонбардор бўлуб турур. Бизлар ҳам сизга ўшандоқ муте ва фармонбардор турурбиз. Саркашлиқ қилуримиз йўқ турур. Қилоли тесак ҳам, кучимиз етмастур. Бу бир ёш ўғлондур. Элтиб қўлунгизга берали. Кўнглунгиз не тиласа ани қилурсиз бўлғай. Мунунг учун эв-элимиздин жалойи ватан (тарки ватан) булуримиз йўқ турур», — теб юбордилар. Буларнинг элчисики келди, бисёр шодмон бўлиб, кўра олиб сийлади. Тақи филҳол киши қўшиб қайтариб юборди, айдики: «Улар келгунча ўзга киши бош кўтариб хонлик тилагай теб бу ишни қилдим. Раво бўлғаймуким, ўз иём ўғли турғонда мен хон бўлайин тегаймен? Подшоҳ келсунлар. Барча хонлиқ, барча эл-кун уларнинг турур». Бу сўзки уларга етишди, филҳол кўчдилар. Булар келмасдин бурунроқ Божир Тўқбуғо беклари бирла кенгашиб иттифоқ қилдилар: «Уларки тул ўрданинг (марҳум хон ўрдасининг) эшикинга тушуб, ёс (аза) тутурлар, икки каррат «чав-чав» теб ёс тутғондин сўнг қўл тебратали». Қалмоқнинг қоидаси ул турурким, подшоҳлари ё улуғлари ўтганда гуруҳ-гуруҳ қавмлари бирла келиб уч каррат «чав-чав» теб фарёд қилиб ёс тутарлар эрдилар. Улуғтоғда уларнинг орасинда ул расм ҳам ҳануз бор эрди. Бир кун Ўзбекхон беклари бирла тонг отмасдин бурунроқ кўчиб эрдилар. Бир киши буларнинг олиндин келиб ўтар эрди. Тақи айтуркнм «чав тегил», тақи «чав тегил» теб бир каррат айтиб ўтди. Парвой қилмадилар. Иккинчи каррат яна айтиб, Қиёт Исатой айдиким: «Ул не теганинг бўлур?»

Ул киши айди:

Менинг отим Сонғусун,

Англағойсен сўнгғусун.

Қиёт Исатой айди: «Бир сўз бор». Бу кишининг ортинча борди тақи айдиким: «Менга бу сўзни айтғил, не сўз турур?» Ул айдиким: «Божир Тўқбуғо беклари бирда иттифоқ қилиб кенгашдиларким, сизлар бориб ўрдалар эшикига тушуб икки каррат «чав-чав» теб ёслағондин сўнг улар қўл тебратиб сизларни қирмоқ бўлдилар. Агар сизлар бир каррат «чав» тегач устига юруб қўл тебратмасангиз — бордингизлар, барча ҳалок бўлдингизлар. Бу сўзумнинг кайфияти бу эрдики, сенга айтдим». Исатой бу хабарни бекларига айди эрса, иттифоқ қилдиларки, «чав» тегач қўл тебратмак бўлдилар. Тонгласи юриб ўрда ўлтурғон ерга етдилар. Божир Тўқбуғо ўрда ичинда тахт устинда ўлтуруб эрди. Беклари ва навкарлари эшикинда қўрлаб эрдилар. Булар келиб эшикда тушдилар тақи бир каррат «чав-чав» теб ёслағондин сўнг «ча» теғач Божир Тўқбуғонинг устига қуюлдилар. Тоқдин рост (жуфт) қилгунча Исатой етиб бўйнуға чопди, боши бир қадам ерга бориб тушди. Олатой бўйда (ханжар) била санчиб юқори кўтаргач, фарёд қилдиким: «муно иёгизнинг боши. Ерлик ерингиздин тебранмангиз», — теди эрса, барчаси суст бўлуб ўлтура қолдилар. Андин сўнг бу бошни кўр-кўрга кездуруб, фарёд қилура бордилар: «Қаро киши хон бўлмоғи мундин кесилсун», — теб. Чун Божир Тўқбуғоники ўлтурдилар, ҳазрати Ўзбекхонни хон кўтариб тахтда ўлтурдилар.

**Ғулом КАРИМОВ**

**Давоми бор**



# БИР-БИРИНГИЗНИНГ БОШИНГИЗНИ ҚИРҚМАНГ!

## АД-ДОРИМИЙ ТЎПЛАГАН ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

**Боши ўтган сонларда**

9. Ривоятларнинг энг ёмони ёлғон ривоятлардир. Хоҳ жиддий, хоҳ ҳазил билан ёлғон айтиш керак эмас. Ота боласига олиб беролмайдиган нарсасига ваъда бермасин. Тўғрилик, эзгулик жаннатга олиб боради, каззоблик — фисқу фужурга, фисқу фужур эса дўзахга олиб боради. Ростгўй ишонч ва эзгулик соҳиби, каззоб эса ва фисқу фужур соҳибидир. Ростгўй киши ҳатто Аллоҳ хузурида ҳам дўст деб ёзилади, каззоблик қилса, Аллоҳ хузурида каззоб деб ёзилади. Чақимчилик энг ёмон ишдир. Чақимчи одамлар орасида фисқу фасод тарқатади.

10. Ким дарахт эккан бўлса, у ҳосил берса ва ундан одамлар, ҳайвонлар ва қушлар еса, бу унинг садақасидир.

11. Пайғамбар (с.а.в.) Маозни Яманга юборар эканлар, (унга) дедилар: аҳли китоб қавмлар олдига келганингда, уларни Аллоҳ ягона ва Муҳаммад (с.а.в.) Аллоҳнинг расули дейишга даъват қил, агар улар бунда сенга итоат қилсалар, сен уларга Аллоҳ сизларга ҳар куни беш вақт намозни фарз қилди, дегин. Улар бу хусусда ҳам сенга итоат этсалар, сен уларга Аллоҳ молларидан садақа қилишни фарз қилганини хабар қил, зулм қилганини Аллоҳ (азобидан) ҳеч нарса сақлолмайди.

12. Бой ва соғлом киши садақа олиши мумкин эмас.

13. (Мадина) ансорларидан бир гуруҳи расулуллоҳ (с.а.в.) олдиларига келди ва садақа сўради, расулуллоҳ садақа бердилар, кейин яна сўрашди, у зот яна садақа бердилар, ҳатто у кишида ҳеч нарса қолмади. Улар яна сўраганида дедилар: «Менда сизга хайр қиларлик ҳеч нарса қолмади, ким (сўрашдан) тийилса, Аллоҳ унга ёрдам беради, ким бойликни сўраса, Аллоҳ уни бой қилади, ким сабр-тоқатли бўлса, Аллоҳ унга сабрни беради».

14. Умар ибн Хаттоб деган экан: Расулуллоҳ (с.а.в.) менга садақа берган эдилар. Мен дедим: «Сиз садақани мендан камбағалроққа беринг. Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар:«Аллоҳ сенга мана шу молдан муҳтож бўлмасанг ҳам, сўрамасанг ҳам, нимани берса олавер, аммо нафсингни бунга ўргатма».

15. Садақанинг энг яхшиси-бойлар бергани ва орангиздаги қариндошларингиздан бошланганидир.

16. Бир куни расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Эй хотинлар жамоаси, зебу зийнатларинг бўлса ҳам садақа қилинглар. Ансорлардан бирининг хотини Зайнаб келиб тўхтади ва Билолдан: «Пайғамбар (с.а.в.) дан сўраб бер, садақани (эрим) Абдуллоҳга берайми ёки биродарларимгами?» У Пайғамбар (с.а.в.) дан сўради. «Қайси Зайнаб? Абдуллоҳнинг хотиними?» — дедилар. «Ҳа, Абдуллоҳнинг хотини,» — деди. Пайғамбар: Унга иккита савоб берилади, қариндошлик учун ва садақа учун», — дедилар.

17. Яримта хурмо билан, агар уни тополмасанглар яхши сўз билан дўзах ўтидан сақланинглар.

**Араб тилидан**
**Исматилла АБДУЛЛАЕВ**
**таржимаси**

*Тикланиш ишлари*

# ХАЛОСКОРЛИК САОДАТИ

1959 йилнинг октябр ойида асос солинган ва бугун ўзининг 40 ёшини нишонлаётган 14-болалар жарроҳлик шифохонаси илк бор битта амалиёт ва битта рентген хонаси билан иш бошлаган эди. Орадан йиллар ўтди. Шифокорлар қанчадан-қанча бемор болаларнинг дардини аритиб, халқимизнинг дуосини олдилар. Олдимда фикр ва мулоҳазалар дафтари. Бир она ёзиб қолдирган дастхат диққатимни тортди: «Қишнинг қоқ ўртасида болам бахтсиз ҳодиса туфайли оғир жароҳатланди. Тез ёрдам машинасида 14-болалар жарроҳлик шифохонасига етиб келдик. Болам ўрнидан туролмас, зўрға нафас оларди. Мен ноумид бўлиб, атрофдагиларга ҳам қарамай фарёд чекардим. Аммо, шифокорлар бирор дақиқа бўлса ҳам, боламни ёлғиз қолдиришмади. Унинг ҳаёти учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай, ўлим билан олишишди. Мўъжиза рўй берди. Ўз касбининг усталари, олижаноб инсонлар боламни тез кунда оёққа турғазишди. Бу шифохона остонаси ва унинг оқ халатли шифо аҳли мен учун азиз ва муқаддас бўлиб қолди».

О. ЛАЗКО. 22.01.91 йил

Шифохона бунёд бўлгандан буён юзлаб қалин дафтарлар миннатдорчилик сўзлари билан тўлди. Уларнинг сарғайган саҳифалари қатида машаққатли меҳнат, билим ва маҳорат, фидойилик ва жасорат ўз аксини топган. Шифохонамиз бугунги кунда республикамиздаги энг катта болалар жарроҳлик шифохонаси, десам янглишмайман. Шифохонамизнинг бугунги даражага етишида раҳматли устозимиз Карим ака Тоҳировнинг хизматлари катта бўлди. У киши «шифохона остонасига бир мўмин масжид остонасига қадам қўйишдан олдин ҳам руҳан, ҳам жисман покланиб қадам қўйгани каби тоза руҳ ва тоза эътиқод билан қадам қўйинг», деб ўгит берардилар. Домла билан озми-кўпми бирга ишлаган ҳамширалар Саодат Саидхонова, Инесса Петровна Гуз, Валентина Павловна, жарроҳ шифокорларимиз Илҳом ака Исканжонов, Исҳоқ ака Эшназаров, Ҳожимурод ака Баҳромжоновлар мудом домланинг ўгитларига риоя қиладилар. Ёш шифокорларга ҳам ўзларидаги шу хислатларни «юқтирадилар». Эҳтимол, шунинг учундир, гап бемор саломатлиги ва бемор ҳаёти устида борар экан, жамоа аъзолари мушт бўлиб тугилган бармоқлар каби бир мақсад йўлида жипслашади ва аҳилликда ишга киришилади.

Шифохона нафақат даволовчи, балки илм маскани ҳамдир. У 40 йилдан буён икки олий мактаб — Тошкент тиббиёт ва педиатрия институти талабалари учун кафедра сифатида тажриба орттириш ва илм олиш маркази бўлиб келаяпти. Бу ерда еттита докторлик ва ўттиздан ортиқ номзодлик илмий ишлари ёқланиб, амалиётга татбиқ этилади. Шифохонамизга нафақат республикамиздан, балки, Ўрта Осиёнинг барча регионларидан жарроҳлик йўли билан даволанишга беморлар келадилар. Шукрки, ҳали ҳеч ким бу ердан ноумид қайтгани йўқ. Шу боис ҳам юқоридагига ўхшаш миннатдорчилик сўзлари ёзилган дафтарлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда шифохонамизда иккита профессор, 10 та фан номзоди ва кўплаб олий тоифали жарроҳлар фаолият кўрсатаяпти. Бешта амалиёт блоки зарур пайтда зудлик билан амалиёт бажаришга шайлаб қўйилган. Физиотерапия бўлими, ултратовуш ташхис, эндоскопия хоналари мунтазам ишлаб турибди. Сўнгги йилларда шифохонамиз Япония, Германия каби тараққий этган мамлакатларда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Шу каби қулайликларнинг маҳсули ўлароқ, бугунги кунда шифохонамизда мураккаб кўкрак қафаси жарроҳликлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда.

Шифокорларга халоскорлик қисмати ато этилган. Улар игнаю тиғ ёрдамида инсонни дарддан фориғ қиладилар. Шифокорларга ҳар бир бемор бола фарзандидай азиз бўлиб қолади. Жамоамизнинг иш фаолияти, билим ва маҳорати келажагимиз эгаси бўлмиш болалар соғлиғига хизмат қилмоқда. Бу биз учун шарафли масъулият, бурч ва саодатдир.



**Дилшод УМАРОВ,**
**Тошкентдаги 14-болалар жарроҳлик шифохонаси бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди**

*Тикланиш одамлари*

# ОРОЛ АКА ЯРАТГАН БОҒЛАР

70 ёшли отахон Орол Пиримқулов Термиз тумани «Халқобод» жамоа хўжалигидаги Бобур номли 2-умумтаълим таянч мактаби директори вазифасида хизмат қилади. Мактабни бир олам десак, Орол ака шу олам узра балққан қуёш, юзлаб, минглаб ниҳолларнинг вужудига бу қуёшнинг ҳаётбахш нурлари инган, десак хато бўлмас. Бу қуёшнинг тафтини олиб унган ниҳоллар бугун ғарқ мевага кирди. Бугун бу ширин муждалар ўзининг ҳаётбахшлиги ила кўнгилларга нур улашмоқда. Аслида қуёш нури билан илм нури ўртасида ҳеч қандай тафовут йўқ. Бири йўлимизни ёритса, бири умримизни, дилимизни равшан қилади. «Чинга бориб бўлса ҳам илм ўрганинглар» деган ҳадиси шариф ҳикмати ёш йигитни Термиз педагогика билим юртига етаклади. Илм Орол аканинг умрини зиёга чулғади. Унинг 50 йилдан ортиқ муаллимлик фаолиятининг 27 йили директорлик вазифасида ўтди.

«1954—1959 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида таҳсил олдим. Қатор давлат мукофотларига ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонига сазовор бўлдим. Мен бу билан ўзимни мақтамоқчи эмасман, ўқитувчилик касбининг машаққатлари олдида бу унвонлар нисбий баҳо саналади. Қачонки, шогирдларимиз яхши тарбия топиб, ўзларининг хулқ-атвори ва меҳнатдаги ютуқлари билан эл-юртга камарбаста бўлса, ўқитувчи учун энг олий унвон демакдир. Илм-маърифатнинг чек-чегараси йўқ, шу маънода турли корхона ва муассасаларда ишчи-хизматчи ҳамда раҳбарлик лавозимида фаолият кўрсатаётган шогирдларим кўпчиликни ташкил этади», — дейди Орол ака фахр билан.

Орол аканинг меҳнат йўли силлиқ кечгани йўқ. Ҳатто қариган чоғида ҳам айрим тўсиқларга дуч келди, вазифасига совуққонлик билан қарайдиган баъзи раҳбарларнинг найрангига учди. Катта бошини кичик қилиб, қабулига бориб мулзам бўлиб қайтган пайтлари ҳам бўлди. Орол ака шунда ҳам ношуд, эътиқодсиз, саводсиз раҳбарлардан эмас, фақат ўзидан—ўзининг соддадиллигидан ранжиди. Бинобарин, Орол ака ҳеч қачон раҳбарлардан нолиган эмас, нолимайди ҳам. Ўзи танти, мард, ғурури тоғ инсонлар ҳеч қачон тилёғламалик қилмайдилар, бундай инсонлар дардаламларини ичида сақлайди, қийналса ҳам ўзи қийналади — ўзгаларга дард-ташвишларини юкламайди. Ахир сабрбардошли, иродаси мустаҳкам инсонлар ўз вужудларида изтиробларни қаритиб, меҳр-муҳаббатларни барча оқил кишиларга улашиб, мангулик ва эзгулик рамзига айланганлари бор ҳақиқат-ку! Шундай инсонлар тимсолида меҳр-муҳаббат яшаради, уруғ беради, гуллайди.

Орол Пиримқуловни боғбонга менгзаш мумкин. Бунга мантиқий асос бор. Унчалик катта бўлмаган мактаб ҳовлисида турли хил дарахт ва гул кўчатлари парваришланмоқда. Жумладан, 1000 туп ток, 1000 туп анор, 1000 туп ёнғоқ, 300 туп анжир, 500 туп гилос, 4000 тупдан ошиқ арча, 4000 туп қарағай, 2500 туп кепарис ва атиргул кўчатлари барқ уриб ўсиб ётибди. Киши бу ерда ўзини гўё гуллар мамлакатига кириб қолгандек хушнуд сеза бошлайди. Ахир шу кичкинагина майдонда 15 мингга яқин кўчат етиштирилаётганлиги кимни ҳам ҳайратлантирмайди дейсиз. Мактаб жамоаси шу кунгача Термиз туманидаги бошқа мактаб ҳамда ҳарбий қисмлар учун бепул кўчатлар улашиб келмоқда. Булардан ортган қисми хўжалик ва ташкилотларга сотилмоқда. Ўтган йили кўчат сотишдан 200 минг сўм соф фойда кўрилди, тушган маблағ ҳисобидан мактаб тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам берилди. Байрам тадбирлари уюштирилди.

Орол ака барпо этган кўчат етиштириш майдонининг ўзини алоҳида бир мактабга қиёслаш мумкин. Бундан Орол ака етакчилик қилаётган мактаб жамоаси фақат кўчат етиштириш билан шуғулланар экан-да, деган хулосага бормаслик керак. Ҳамма гап шундаки, ўқувчилар дарров бўш вақтларида ўзларига ажратиб берилган худудда синф раҳбари бошчилигида мустақил равишда истаган кўчат турини етиштирадилар. Бироқ сўнгги пайтларда мактаб жамоаси олдида бир қатор муаммолар пайдо бўлаётир. Харидор йўқлиги туфайли кўчатларнинг бир қисми сотилмай қолиб кетмоқда. Ваҳоланки, вилоятнинг бошқа туманларида бу ерда бор бўлган кўчатларни излаб тополмай юрганлар қанча? Вилоят ва туман раҳбарлари ушбу самарали тажрибани воҳа узра ёйсалар, бу ҳар икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмас эди, деб ўйлаймиз.

Яна бир муаммо шуки, сўнгги пайтларда ўқувчи сони ортгани сайин синфхоналар тақчиллиги юзага келмоқда. Бу ҳам етмагандек юқоридан келган кўрсатмага биноан синфларнинг қисқартирилиши, халқ таъбири билан айтганда, «ўлганнинг устига тепган» қатори бўлди. Айни чоғда **20—25 кишига мўлжалланган ихчам синфхоналарга 30-35 нафарга яқин ўқувчи жойлаштирилмоқда.** Шундай пайтларда юқори лавозимларда ўтирган акахонларга билиб қўйинг, бу сизларга саноқ, чўтни бир-бирига уриш эмас, аксинча, бу ерда келажагимиз ворислари, ёш авлод таълим тарбия топаяпти» деганг келади. Балки, синфхоналар сонининг қисқартирилиши эвазига вилоятнинг молиявий аҳволи анчамунча ўнгланиб ҳам қолар, бироқ бугун таълим-тарбияда бўшлиқ юзага келиши эҳтимоли бор, кемтикликни эртага тўлдириб бўлармикин?! Қолаверса, Бобур номли 2-умумтаълим таянч мактаби қошида аллақачонлар янги мактаб биноси қуриб берилиши лозим эди, бироқ... Хуллас гапираман десанг, гап кўп.

— Энди шу ўқув йилини тамомлаб, ишни ҳам топширмоқчиман, буёғига ёшлар ишласин, — дейди Орол ака.

Меҳнатсевар халқимиз, миллатимиз бугун қутлуғ сана, янги эра, янги «Олтин аср» бўсағасида ҳаёт кечирмоқда. Орол ака шундай муборак санани шарафлаб дастурхон ёзиб, тўй беришни ният қилган. Биз ҳам «ҳар ким ниятига етсин» деймиз.

**Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД**

**Сурхондарё вилояти.**



Қанотида ишонч ва шиддат...

# УЛАР ЖАМ БЎЛИШГАНДА...

Рост гап, биз — Улуғбекнинг дўстлари, ҳамкасблари уларнинг оиласига ҳавас билан қарардик. Соҳиби хонадон — Субутой Долимов машҳур адабиётшунос олим, ғоят дилкаш, хушсуҳбат, оҳанграболи инсон эди. У киши бор даврадан ғазал, куй, ҳазил-мутойиба аримасди. Домланинг Чиғатой дарвозасидаги шинам ҳовлиларида бетакрор адабий суҳбатлар, серфайз оқшомларнинг гувоҳи бўлганмиз. Ғулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов каби элга машҳур алломалар бу хонадонга тез-тез ташриф буюришар, нафосат анжуманлари тонгларга уланарди. Долимов сулоласининг яна бир фазилати — гўзалликка шайдолик эди. Субутой домланинг ака-укалари қайси касбда бўлишларидан қатъий назар, ажойиб созанда, беназир хонанда эдилар, улар жам бўлишганда чинакам «Мақом ансамбли» юзага келарди. Бундай фарахбахш мажлислар Субутой аканинг «Шаби ҳижрон» ашуласи билан якунланарди.

Улуғбек ана шундай оилада дунёга келди. Гўзал муҳитда тарбия топди. У ота йўлини танлаб, 1957 йилда Тошкент Давлат университети филология факултети талабаси бўлди. Илмга иштиёқ Улуғбекда барвақт уйғонди, талабаларнинг илмий жамиятларида иштирок этди. Унинг машҳур маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратга бағишланган илк илмий тадқиқоти — диплом иши аълога баҳоланди.

Ёш мутахассис таниқли олимнинг фарзанди сифатида бемалол аспирантурага кириши мумкин эди. Лекин у маърифий фаолиятни мактабдан бошлашни маъқул кўрди. Уч йил Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ёш авлодга тил ва адабиёт фанидан дарс берди. Айни чоғда Ибратнинг ҳаёти ва ижодига оид ноёб маълумотлар тўплади. 1972 йилда Исҳоқхон Ибрат ижодига бағишланган диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Улуғбек тадқиқотчи олим сифатидаги фаолиятини амалиёт билан қўшиб олиб борди. Ёш олим падари бузрукворининг илмий анъаналарини давом эттириб, адабиёт ўқитиш методикаси фанидан маърузалар ўқиди, қатор методик қўлланмалар яратди.



***Қутлов***

Улуғбек Долимовнинг «Маърифат дарғалари» (1990), «Исҳоқхон Ибрат» монографиялари адабиётшуносликка қўшилган муносиб ҳисса бўлди. Изланувчан адабиётшунос кейинги йилларда жадид маърифатпарварлари меросини қунт билан ўрганмоқда. Олим Сиддиқий Ажзий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Элбек, Васлий Самарқандий, Саидрасул Азизий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидовлар тўғрисида янги маълумотларга бой, мазмундор мақолалар эълон қилди.

Улуғбек Долимов Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факултетидаги «Миллий уйғониш» кафедрасининг энг фаол, илмий диапозони кенг муаллимларидан. У ўқийдиган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» курси масалаларнинг долзарблиги, талқин ва далилларнинг ўзига хос ва янгилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам муаллимнинг маърузалари мароқли бўлади, талабаларда фикр уйғотади.

Маърузадан сўнг аудиториядан бир олам таассурот билан чиқаётган талабалар кўзидаги ҳаяжонли ҳайратни кузатар эканмиз, доцент Улуғбек Долимовнинг отамерос истеъдодига тасанно ўқиганмиз, талаба меҳрини қозонишдек мўъжизакор бахтга муяссар бўлганлигидан чин дилдан қувонамиз. Шундай қувончлар қанотида азиз ҳамкасбимиз ва дўстимиз Улуғбекни қутлуғ 60 ёши билан самимий муборакбод этиб, умрингиз ва хонадонингиз илму санъат нуридан мудом файз олиб турсин деймиз.

**Муҳсин ОЛИМОВ,**
**Адҳам ОЛИМБЕКОВ,**
**филология фанлари номзодлари**

---

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

# «СИРЛИ» МАЪЛУМОТ

## *ёхуд «Еса ҳам, емаса ҳам, бўрининг оғзи қон!» деганлари ростми?*

**Давоми. Боши ўтган сонларда**

***РАСМИЙ ЖАВОБЛАР***

***«Миллий тикланиш» газетаси***
***Бош муҳаррири,***
***Олий Мажлис депутати***
***И. ҒАФУРОВга***
***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ***
***1999 йил 25 июл***
***Сизнинг 1999 йил 12 июл кунидаги хатингизга.***

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бошқармасида Сизнинг ушбу хатингиз, О. Бектўраеванинг шикоят-аризаси ҳамда тақдим қилинган бошқа материаллар биргаликда ўрганиб чиқилди.*

*Мазкур жиноят иши фуқаро Азимжон Мовлонқулович Бектўраевнинг томорқаси 1998 йилнинг 14 сентябр куни Бекобод туман ИИБ ходимлари томонидан кўздан кечирилганида 10280 грамм «марихуана» ва унинг костюмининг сиртқи чўнтагидан ҳам 5 грамм «марихуана» гиёҳвандлик воситаси топилгани юзасидан тўпланган материаллар асосида 15 сентябрь куни терговчи И. Эшонқулов томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а» бандни аломатлари билан қўзғатилиб, кейинги тергов ҳаракатлари 28 сентябр кунидан Тошкент вилояти ИИБ Тергов бошқармасининг бош терговчиси Х. Язгулиев томонидан олиб борилган.*

*Айбланувчи А. Бектўраевнинг айби ўз айбига иқрорлигидан ташқари, иш бўйича сўроқ қилинган унинг турмуш ўртоғи, гувоҳ, холислар ва ишдаги бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиқланган. А. Бектўраев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-272-моддаси 2-қисми ва 273-моддаси 3-қисми «д» банди билан айбланиб, жиноят иши бўйича тузилган айблов хулосаси Тошкент вилоят прокуратураси томонидан тасдиқланиб, судга юборилган.*

*Айбланувчи А. Бектўраевнинг жиноят иши Тошкент вилоят судида кўрилиб, у 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, ҳукм қонуний кучга кирган. Жиноят иши бўйича ҳукм чиққанидан сўнг уни текшириш ва баҳо бериш Ички ишлар вазирлиги ваколатига кирмаслигини билдираман.*

*Бошқарма бошлиғи А. О. ШАРОФУТДИНОВ.*

•

***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ***
***1999 йил 13 август***
***1999 йил 12 июл кунги хатга***

*Фуқаро О. Бектўраеванинг ўғли А. Бектўраев асоссиз равишда судланганлигидан ва суд томонидан йўл қўйилган хатоликлардан норози бўлиб «Миллий тикланиш» газетаси таҳририятига йўллаган шикоят-аризаси бўйича Тошкент вилоят суди ва адлия бошқармаси томонидан ўтказилган хизмат текшируви давомида иш бўйича раислик этувчи А. Шодмонов томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Процессуал Кодекси талабларига амал қилинган ҳолда иш кўрилиб чиқилганлиги ва суд томонидан тайинланган жазо содир этилган жиноий ҳаракатларга мос тарзда белгиланганлиги аниқланган.*

*Шу билан бирга, мазкур жиноят иши 05.08.99 йили куни кассация тартибида Тошкент вилоят судида кўрилиб, ҳукмдан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 3-қисми чиқариб ташланган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.04.99 йилдаги авф этиш ҳақидаги Фармони қўлланиб, тайинланган жазо 1/4 қисмга қисқартирилганлигини маълум қиламиз.*

***Фуқароларнинг қонунчиликнинг бузилиши юзасидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси бошлиғи Ю. А. ИЛҲОМОВ***

•

***МУХБИР ИЗОҲИ***

Яшириб нима ҳам қилдик? Юқоридаги жавобларни ўқигач, очиғи, афсус-ла бош чайқадик. Негаки, улар масаланинг асл моҳиятига етарлича аҳамият берилмасдан, андак шошма-шошарлик билан битилгандай туюлди. «Нима учун?» дейсизми? Марҳамат, эшитинг:

Аввало, ИИБ Тергов бошқармасининг жавоби хусусида. Ҳукм чиққандан сўнг уни текшириш ва баҳолаш Ички ишлар вазирлиги ваколатига кирмаслигини ўзимиз ҳам яхши билардик. Ана шу боис хулосаларимизни бошқа нуфузли идоралар эътиборига ҳам ҳавола этгандик. Хулоса эса, биласиз, қатъий қарор эмас. У баъзан турли сабаблар билан тасдиғини топмай қолиши ҳам мумкин. Биз нуфузли идораларга мурожаат қилганда, ана шуларни назарда тутгандик. ИИВ мутасаддиларидан ҳукмни эмас, аксинча, А. Бектўраевнинг жиноий иши бўйича дастлабки суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб борган милиция ходимлари фаолиятини одилона таҳлил қилиб, холисона баҳолашни сўрагандик. Чунки журналист текшируви давомида аниқланган ҳолатларнинг 80 фоизидан ортиқроғи бевосита уларнинг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ эди. Ҳисоботномамиздаги ойдинлик киритилиши лозим бўлган 26 саволдан 21 таси, чунончи, Бектўраевлар устидан тушган маълумот, кўздан кечириш ва тинтув ўтказиш, бу жараёнларга холисларни жалб этиш, тинтувни ишдан манфаатдор шахслар олиб бориши, томорқадан ва уйдан топилган гиёҳвандлик воситаларини ашёвий далил сифатида олиш, баённомалар тузиб, имзо чектириш, экспертиза ўтказиш, Азимжон Бектўраевдан тушунтириш хати олиш, уни ИИБда ушлаб туриш, бошқа жойда видеотасвирга тушириш, касалхонага ётқизиш, туман милицияси идорасидан бор-йўғи 400-500 қадам наридаги шифохонада даволаётган одамни гўёки 60-70 километр узоқликдаги қамоқхонада сақланаётгандек қилиб расмийлаштиришга доир қатор саволлар шулар жумласидан эди. ИИВ Тергов бошқармасидагилар бу масалаларни суд ишига аралашмаган ҳолда ўз йўналишлари бўйича мустақил равишда текшириб кўрсалар ҳам бўларди. Афсуски, улар илтимосимизни қондиришни, бизга ёрдам кўрсатишни лозим топишмабди. Асосан биз тақдим этган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, шусиз ҳам ўзимизга ипидан игнасигача маълум гапларни такроран ёзиб жўнатишибди. Боз устига, терговда ҳам, судда ҳам ўзига қўйилган айбни бирон марта ҳам тан олмаган маҳкумни айбига иқрор бўлган деб, туман судида кўрилган ишни вилоят судида кўрилган деб, чалкаштириб юборишибди. Начора, зоримиз бору зўримиз йўқ!

Баралла айтишимиз мумкинки, Адлия вазирлиги бошқармаси вакиллари ҳам таҳририятимизга, номига бўлсада, тезроқ жавоб қайтариш борасида осонгина йўл тутишган. Шу асно биз ўртага қўйган саволларга мутлақо эътибор қаратишмаган. Фақатгина, О. Бектўраеванинг шикоят-аризасини вилоят судига ва вилоят адлия бошқармасига текшириш учун жўнатиш билан кифояланишган. Сўнгра улар берган ахборот асосида таҳририятимизга бир-бирини инкор этувчи фикрлардан иборат жавоб йўллашган.

Гапимга ишонмасангиз, ўша расмий хатга яна бир карра жиддий кўз югуртиринг, шунда ҳаммасига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Мавҳумликни қаранг: жавобнинг биринчи бандида Бекобод туман судининг раиси О. Шодмонов ишни қонун талабларига амал қилган ҳолда кўриб чиққани, тайинланган жазо содир этилган жиноий ҳаракат-

***Журналист текшируви***

ларга мос тарзда белгиланганини алоҳида таъкидланади. Иккинчи бандда эса, бу фикр ўз-ўзидан рад этилади. Кассация тартибида иш юритган вилоят суди ҳукмдан 273-модданинг 3-қисмини (аслида А. Бектўраев ушбу модданинг 3-қисми «Д» банди билан судланган) чиқариб ташлагани маълум қилинади. Бундан Азимжоннинг жиноий ҳаракатлари 25,272-модданинг 2-қисми бўйича тўғри малакаланган, шунга мувофиқ, у қонунан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган деган хулоса келиб чиқади.

Табиий, энди ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: Хўш, биз қайси гапга ишонайлик? Биринчисигами? Ундай десак, кейинчалик А. Бектўраевнинг айбидан бутун бошли битта модда олиб ташланган-ку. Бу моддага биноан у бир-икки йилга ёки уч-турт йилга эмас, роппа-роса 8 йилга озодликдан маҳрум этилган-ку. Ҳукмнинг бир қисми батамом бекор қилинганига қарамай, А. Шодмонов барибир ишни қонун талабларидан четга чиқмаган ҳолда тўппа-тўғри кўрган ҳисобланаверадими?

Қолаверса, вилоят суди нима сабаб ҳукмдан 273-модданинг 3-қисми «Д» бандини чиқарган — маҳкум ушбу модда бўйича нотўғри судлангани учунми ёки бошқа важларга кўрами? Таассуфки, жавобда бу ҳақда лом-мим дейилмаган. Оқибатда уни ўқиган одам: «Демак, Азимжон тўғри жазога тортилган экан, бахтига амнистияга тушиб, авф этилибди-да», деган хаёлга боради.

Бунданам қизиғи, вазирлик бошқармасидагилар қуйидан олинган маълумотга ишонганлару, лекин у қанчалик асосли-асоссизлиги билан қизиқмаганлар. Масалага жиддийроқ ёндошиб, жиноят ишни ўзлари синчиклаб ўрганганларида эди, жавобга асос бўлган вилоят судининг ажрими ҳам аслида ноқонуний чиқарилганидан воқиф бўлардилар. Мана, сўзимнинг исботи.

**Давоми келгуси сонда**

---

# ШАРИФЖОН УМАРОВНИ ЭСЛАБ

Бир йигит донишманднинг оёғига бош уриб илтижо қилибди: Ҳазратим, Сиз худога яқин улуғ зотсиз. Яратган эгамдан нимани сўраган бўлсангиз, ҳаммаси ижобат бўлган. Мен қулингизга ҳам бир яхшилик қилинг — Парвардигоримдан минг йил умр сўраб беринг.

— Бунинг иложи йўқ, — дебди донишманд — бироқ сен шундай ишларни қилгинки, одамлар номингни минг йиллар эслаб юрсин. Эзгулик, олижанoблик, яхшилик инсон умридан узоқ яшайди. Унинг номини шарафларга буркайди.

Шарифжон ҳам ана шундай фазилатларни ўзида мужассам эта олган, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги, камтарлиги билан кўплар меҳрини қозонган, эл назарига тушган инсон эди. Унинг чеҳрасига нур, кўзларига бир чимдим кулги яширинганди. Ўша нур, ўша табассум уни одамларга яна ҳам яқинлаштирар, davраларга кўр ташлатар, дилкаш суҳбатларга ундарди.

У асов тўлқинлари соҳилларига жўш уриб оққан Қорадарё бўйларида бўз тупроқлари кўпчиб ётган кенг далалар бағрида ўсиб-улғайди. Ота-онаси деҳқон бўлгани учунми, ерга меҳр қўйди. Сурув-сурув қўйлар боқди. Андижон Давлат тиллар олийгоҳини тамомлаб, 17-мактабда муаллимлик қилган. Орадан кўп ўтмай Чўлпон номли агрофирмада касаба уюшмасини бошқарган, кейинчалик туман газетасида қалам тебратган кезлари ҳам бир оёғини далалардан узолмади. Аксинча, ўзига нон берган, битмас-туганмас оппоқ жавоҳирлар инъом этган пайкалларга талпинди.

***Дўст хотираси***

Ўша пайтлар ҳақида ойдин-ойдин қўшиқлари бор эди унинг, ўша қўшиқлардай жарангдор, ҳузурбахш битиклари бор эди. Шарифжоннинг субҳидам шабнамидай, чимилдиқдаги келинчакдай бокира, нурли-нурли орзулари ҳали япроқ ёзганича йўқ эди.

Кўзларидан қуйилаётган ёшларни рўмолининг учида артганча сўзлайди кекса муаллима Лобархон опа Рустамова: бу каби болалар қирқ йилда бир туғилади, болам. Ҳузурига борсам ўз онасидай кутиб оларди. Узоққа чўзилган можароли ер ҳақидаги арзимни сабр-тоқат билан эшитиб, қўлидан келган ёрдамини аямаган. Энди билсам, Шарифжон болам бу ёруғ дунёга жуда оз фурсатга келган меҳмон экан. Унинг меҳмонлигини, ғаниматлигини, фурсати йўқлигини мен қайдан билай.

— Ҳаммаси ширин тушдай ўтди кетди, — елкалари силкинади туман алоқа бўлимининг бошлиғи Усмонжон Каримовнинг, — Шарифжон ҳозирги Бобур номли ширкатлар уюшмаси партия қўмитаси котиби, туман партия қўмитаси қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири, ташкилий бўлим мудири, иккинчи котиб вазифаларида ишлади. Кейинчалик халқ демократик партияси туман кенгашининг биринчи котиби бўлди, туман деҳқончилик саноати уюшмасига раислик қилди. А. Паттаев номли жамоа хўжалигини бошқарди, 1997 йилдан эса Андижон тумани ҳокимининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди. Қаерда, қайси соҳада ишламасин, ўзидан яхши ном қолдирди. Бизнинг Умаровимиз бағри кенг, сабр-тоқатли, янгиликка ўч инсон эди.

У Истиқлолни нон каби азиз биларди.

У мустақил ватаннинг ҳур фикрли, имон эътиқоди мустаҳкам ўғлони эди. Афсус, тўсатдан ва сира кутилмаганда содир бўлган фожиа Шарифжонни 45 ёшида ҳаётдан олиб кетди. Куни-кеча davраларга файз киритиб юрган, елкасида соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият, ижтимоий таъминот каби ўнлаб соҳаларнинг залворли юкини кўтарган, кишиларнинг оғирини енгил қилган, бир этак болаларининг бошини силаган йигит бугун орамизда йўқ. Унинг суратлари уйларининг тўрида осилганча мўлтираб қолди. Ҳаммани севинтириб дунёга келган Шарифжон ўз қиёфасини бир умр қалбларга жойлаганча орамиздан кетди, ўчмас ва армонли хотира бўлиб ёдимизга кирди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**журналист**

---

Уруш даврида адиб Мирзакалон Исмоилий Берлиндан С. Абдуллага ёзган хатида ўзбек филми билан фахрланганини билдирган эди: «... Берлиндамиз. Бир вақт қарасам, кинотеатр олдида «Тоҳир ва Зуҳра» филмининг афишаси турибди. Кинозалга кирдим. Томошабинлар филмни шу қадар завқ билан, берилиб томоша қилишдики, уларга қараб, «Ҳой биродарлар, бу менинг халқим яратган, менинг ватанимда яратилган дегим келарди»...

«Тоҳир ва Зуҳра»нинг режиссёри янги бадиий воситаларни, шаклларни кинога олиб кириш йўлида изланганини, самарали меҳнат қилганини кўрамиз. У қўллаган баъзи услублар кейинчалик ўзга санъатларда — телевидениеда, театрда қўлланилиб янада такомиллашган. Мазкур филмнинг бадиий тўқимаси ўзига хослигини эслатиб турувчи бир услуб тезда телевидениенинг мулкига айланди. Гап ўша машҳур кино асарида ҳикоя, композиция қурилиши ҳақида, бир шахс (яъни Нозим — артист Раззоқ Ҳамроев) ҳам ҳикоянавис, тасвирланган воеаларнинг гувоҳи, ҳам асар қаҳрамони, Тоҳирнинг устози, дўсти сифатида намоён бўлиши ҳақида.

# ДАРВОЗА ОРТИДАГИ АФСОНА

**Эртага Киночилар уйида кино санъатимиз асосчиси Наби Ғаниев таваллудининг 95 йиллигига бағишланган илмий анжуман ҳамда тантанали кеча бўлиб ўтади. Шу муносабат билан профессор Ҳамидулла Акбаровнинг буюк санъаткорнинг мураккаб, оғир ҳаёти, самарали ижодига бағишланган тадқиқотидан бир парчани муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.**

Телеэкранда ўтмиш воқеалари таърифланаётганда ёки адабиётнинг эпик жанридаги асари видеофилмга, телеспектаклда айланаётганида томошабиннинг завқланиш истагини қондириш, персонажларнинг у ёки бу дақиқадаги руҳий ҳолатини очиб бериш учун экран қаршисига ўтирганларга бевосита мурожаат этадиган ва зарурият бўлганида асарда (теледраматургия маҳсули назарда тутилмоқда) баён этилаётган воқеаларда қатнашиб турадиган муаллиф — шарҳловчи катта драматургик вазифани бажариши мумкин. Бундай услубдан кейинчалик 80-йилларда ТВда унумли фойдалана бошланди («Леонардо да Винчи» кўп серияли телевизион филм, Италия. «Ёшлик йиллари» — телефилм, Москва). Адабиётда бундай вазифани қисман ёзувчининг ўзи бажаради. Телевидение шу тажрибани ўзлаштириш билан бирга уни бойитишга эришди. Аниқроғи, қаҳрамон ва муаллиф бир шахсда мужассам бўлиши сўз билан таърифланибгина қолмай, уни муайян муҳит билан узвий боғланган ҳолда кўрсатишга қодир бўлган ТВ шу усулнинг мукаммаллашувини таъминлади. Бу ўринда биз, табиийки, жаҳон телевидениесининг тажрибасини видеофилмлар, телеминиатюралар, телепортретлар ҳамда сюжетли телеконцертларни назарда тутмоқдамиз.

Буни қарангки, (шундай телевизион) усулни Ғаниев ва унинг ҳамкасб дўстлари ўз асарларида ўринли қўллаганлар.

Сценарийнинг сўнгги қиёмига етказилган шакли қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Қоронғилик аста ёришади, тарихчи ва шоир Нозимнинг қиёфаси (йирик план — Ҳ.А.) пайдо бўлади. Унинг кўкрагида сафарда олиб юриладиган довот, саллага ғоз пати қадалган. Жиддий чеҳра айтиб бериладиган воқеа муҳимлигини, нозиклигини таъкидлаб туради. Нозимнинг кўзлари диққат билан бевосита залга қарайди».

Сўнгги жумла кинога, кинодраматургияга мутлақо зид кўринади. Айниқса, ўша 40-йилларда кинонинг образли тили, ифодаси «соф» экранбоп бўлиши талаб этилаётган пайтда, қаҳрамон дастлабки кадрлардаёқ залга қараб мурожаат этишини кўпчилик қабул қилиши қийин эди. Лекин Нозим ҳам ҳикоянавис, ҳам фожиалар шоҳиди, ҳам Тоҳирнинг маслакдош дўсти сифатида кўп нозик чизиқлар билан таърифланган ва театр актёри Р. Ҳамроев томонидан гавдалантирилганки, бу шахсни ҳам, филмни ҳам юртимизда, хорижий мамлакатларда қабул этишди. Яъни режиссёр ва драматурглар қўллаган ҳикоя ҳамда талқин услуби афсонанинг руҳига мос келган...

Кинофилмнинг дастлабки кадрлари шу тарзда — телевизион усулда таърифланишини қадимги афсонанинг бадиий қурилиши, тўқимаси талаб этдими? Собир Абдулла ёзган драма экранга кўчаётганида унга шундай ўзгаришлар киритилишига эҳтиёж бўлдими? Аслида Нозим сиймоси афсонада ҳам, мусиқали драмада ҳам бўлмаган-ку халқ оғзаки ижодиёти билимдони бўлмиш Наби аканинг таклифи билан бу нозик табиатли қалам соҳиби, солнома яратишдек савобли иш билан машғул бўлган ниҳоятда адолатли шахс таърифи сценарийга ва филмга киритилганмикин!? Ахир достонларни бахшилар айтган-ку, уларга муаллиф ва ижрочилар қўшимча драматургик «юк» вазифа бериб кино асарида ҳам гавдалантириш имкони бўлган-ку? Бундай ҳолда воқеаларни бир-бирига боғлаш ҳам осонлашади. Энг муҳими, шарқ фолклори, хусусан, «Тоҳир ва Зуҳра» афсонасининг шоирона қурилишига, кўтаринки руҳига шеър шайдоси, солнома бунёдкори, кимсан Тоҳирнинг устози сиймоси жуда ярашган. Худди шу зеҳни ўткир суҳбатдош томошабин билан алоқа ўрнатади ва у билан севишганларнинг висол онларини кўриб қувонади, фожиасининг гувоҳи бўлиб қайғуради.

Одатда телевидение сухандони, шарҳловчиси, муаллифи томошабинга ўзини-ўзи танитмайди. Ўзи ҳақида эмас, ўзгалар ҳақида унинг иштирокида содир бўлган (ёки бўлаётгн) воқеалар ҳақида сўзлайди (ёки аслида шундай бўлиши керак, лекин ижодий амалиётда бу ҳолга етарли аҳамият берилмайди баъзан). Н. Ғаниев буни сезганиданми, кичик экраннинг қонун-қоидаларига катта экран ҳам жавоб бериши керак, деб билганиданми, ҳарқалай матнга ўзгартиш киритган. Эндиги икки жумлада фақат томошабинга мурожаат этилади: «Бахт-саодатли авлод, бахтиёр замон кишилари, садоқат ва адоват ҳақидаги афсонани эшитинг. Халқимиз ижод этган ва ардоқлаб келаётган муҳаббат, вафодорликни мадҳ этувчи достонни — «Тоҳир ва Зуҳра» достонини тингланг».

Бу сўзлардан кейин камера панорама йўли билан катта китобга ўтади. Унда араб алифбосида афсонанинг (айни бир вақтда филмнинг) номи ёзилган — «Тоҳир ва Зуҳра». Режиссёр Нозимнинг сўзларига мос келадиган тасвир ҳамда овоз воситаларини ҳам топган: кадр ортида карнай-сурнай тароналари эшитилиб туради, кадрда эса сипоҳлар баҳайбат дарвозани очиб томошабинни гавжум шаҳарнинг бир майдонига бошлайди. Дарвоза очилишдан олдин муаллиф ва асар қаҳрамонларидан бири сифатида намоён бўлган Нозим (телевидениенинг шарҳловчиси, муаллифи каби) эшик ортидаги майдонгагина эмас, аввало дарвоза ортидаги афсона даврига, севишганлар яшаган даврга, муҳитга таклиф этгандек бўлади.



Нозим Р. Ҳамроев филм давомида яна икки марта тарихчи-шарҳловчи сифатида пайдо бўлади. Иккисида ҳам у драматик воқеаларни ўз кўзи билан кўргани тасвир ва сўз билан таъкидланади. Сардор дор остига олиб келинганида Бобохон (артист А. Исматов) қувончини яшира олмайди ва шоирга қараб «Тарих саҳифаларига рақам этинг: Бобохоннинг энг бахтли куни бу». Шунда Нозимни йирик планда кўрамиз-у тарихчи айтаётган ва ёзаётган сўзлар хон қувончига мутлақо мос келмаслигини англаймиз: «Халқнинг энг қайғули, ғам-ғуссали куни эди» дейди у.

Филмнинг сўнгги кадрларида эса Нозим яна томошабинга мурожаат этади, Тоҳир ва Зуҳранинг жасади солинган тобутни кўтаришга кўмаклашаётган шоир Нозимнинг ўрнини Қодир (артист Э. Каримов) олади, шунда тарихчининг чуқур психологик портрети берилади ва унинг сўнгги сўзлари эшитилади: «Улар бу дунёга бир кунда келишди-ю, бир кунда кетишди». Шу сўзлардан кейин у бизга узоқ термулиб қолади.

Биргина жумла. У филмга якун ясайди, севишганларнинг фожиасини таъкидлайди.

Бу кадрларга қадар Нозим барча воқеаларда иштирок этади: икки чақалоққа ном қўяди — Тоҳир, Зуҳра. Тоҳир Бобохон томонидан ўлдирилишини, Тоҳир оқар сувга ташланишини кўради. У Тоҳирга хон даргоҳини ташлаб кетишни маслаҳат беради... Хуллас, режиссёр кадрлар композициясини тузишида, мизансаҳнани белгилашида ҳамиша Нозим—Р. Ҳамроевга ўрин топади. Унинг хатти-ҳаракатини, кайфиятини кузатиб боради.

Раззоқ Ҳамроев тезда яна бир образ — шоиртабиат Хўжа Насриддин образини яратди. Сўнгра Алишер Навоийга бағишланган биринчи ўзбек тарихий — биографик филмида бош ролни ижро этди. «Бунда К. Ёрматов билан бирга Н. Ғаниевнинг ҳам ҳиссаси бор» — деб таъкидлаган эди артист...

**Ҳамидулла АКБАРОВ,**
**профессор**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0840.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 21.30

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Шерали НИШОНОВ*